

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАЛИМОВ АНВАР АРАББОЕВИЧ

**ЎПКА ПОСТКОВИД ИНТЕРСТИЦИАЛ КАСАЛЛИГИ
ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ, ПРОФИЛАКТИКА ВА
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

УЎК: 614.432-616.241.5-002.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Далимов Анвар Араббоевич

Ўпка постковид интерстициал касаллиги эпидемиологияси,
хавф омиллари, профилактика ва даволаш усуллари
такомиллаштириш

3

Далимов Анвар Араббоевич

Эпидемиология, факторы риска, методы совершенствования лечения и
профилактики постковидной интерстициальной болезни
легких.....

25

Dalimov Anvar Arabboyevich

Epidemiology, risk factors, ways to optimize treatment and prevention of
post-Covid 19 interstitial lung disease.....

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАЛИМОВ АНВАР АРАББОЕВИЧ

**ЎПКА ПОСТКОВИД ИНТЕРСТИЦИАЛ КАСАЛЛИГИ
ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ, ПРОФИЛАКТИКА ВА
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.PhD/Tib2981 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахбороттаълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамарасулова Дилфуза Закиржановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рустамова Мамалакат Тулябаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Якубова Олтиной Абдуганиевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс:(+998)74-223-94-50;e-mail:info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ тарқатилди.
(2024 йил «___» _____даги рақамли реестр баённомаси).

Х.Х. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Р. Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

З.С.Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўта юқори контагиозлиги сабабли COVID-19 касаллиги пандемик характер касб этди. Бу вируснинг кенг тарқалишидан ташқари, ҳаддан юқори ўлим ҳолатлари ва ҳаёт учун хавфли асоратлар, яъни оғир пневмония (10 % беморлар), катта ёшдагилардаги ўткир респиратор дистресс-синдром (5 %) ва тромботик асоратлар ривожланишининг юқори частотасидан ташқари касалликнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «COVID-19даги интерстициал пневмонияда ўлим ҳолати 7,2%ни ташкил этиб, одатда касаллик белгилари аён бўлган биринчи ҳафта ичида юз беради ва у кўпинча ўпка фибрози оқибатида юзага келган нафас етишмовчилиги билан боғлиқ бўлади»¹. Айниқса, касалликнинг оғир кечиши кекса ва ҳамроҳ касалликлари (шу жумладан юрак қон томир касалликлари, қандли диабет, ўпканинг сурункали касалликлари, артериал гипертония ва саратон) бўлган беморларда кузатилади. COVID-19 билан ассоциацияланган пневмонияга чалинган беморларда самарали антифибротик чораларни қидириш SARS-CoV2 пандемия жаҳон соғлиқни сақлашининг олдига қўйган долзарб муаммолардан бири саналади.

Жаҳонда COVID-19 пандемиясидан кейин омон қолганларга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яқинда ўтказилган паталогоанатомик тадқиқотларда фиброз-мускул тузилмали ва коллагенлашган фиброзли катта архитектур бузилишларни ўз ичига олувчи тарқалган ўпка фибрози аниқланди. Шунингдек, идиопатик ўпка фиброзида учрайдиган уялар ва реконструкция ҳам кузатилди. Ўсимлик экстрактлари ва мезенхимал илдиз хужайралари ва инсон амниотик суюкликдан фойдаланиш каби усуллардан тадқиқотлар олиб бормоқда. 2020 йил 25 апрелдан буён қўлланилган гипербарик кислород терапияси IL-1 β , IL-6 ва TNF α экспрессиясининг пасайиши билан боғликлиги асосланди.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликни олдини олиш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида COVID-19 аниқланган беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини

¹World Health Organization WHO 2020. URL: <http://www.who.int/bulletin/volumes/96/ru/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассаса-лари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида», фармонлари ҳамда мазкур тизимга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда бир қатор муаллифлар COVID-19 билан хасталанган беморларни олиб бориш, нафас олиш тизимида юзага келадиган иммун ўзгаришларни баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда (А.М. Хаджибаев 2020 г.). Эрта ёшдаги болаларда касаллик аксарият ҳолатларда қусиш ва диарея кўринишда қайд этилган, коронавирусли пневмонияга хос одатий шикоятлар ва жисмоний ўзагришлар кузатилмаса ҳам, деярли барча беморларда ўпка тўқимасида ўчоқлар бўлиши аниқланган. Шу сабабли компьютер томографияси ўтказилиши мақсадга мувофиқ (Д.И.Ахмедова, Н.Р.Алиева, 2020 г.). COVID-19 нинг оғир шакллари ривожланиши хавфи юқори бўлган гуруҳ соматик касалликлари бўлган ҳомиладорлар бўлиб, буларга сурункали ўпка касалликлари, юрак қон-томир тизими касалликлари, қандли диабет, семизлик (ТВИ >40), сурункали буйрак касаллиги, жигар касалликлари (О.Б.Шахова, 2020 г.) киради.

Ксионг ва ҳаммуаллифларнинг COVID-19 дан кейин яшаб қолган 42 нафар беморни 11,6 кундан сўнг визуализация қилиш билан ўтказган ретроспектив таҳлили ривожланишнинг хиралашиш, интерстициал тўқиманинг қалинлашуви ва фиброз йўлчалари билан намоён бўлди. Бошланғич КТ да баҳоланган хиралашишларнинг яққол намоён бўлиши кейинги КТда ривожланиши билан сезиларли боғлиқ эди ($P = 0.001$). Ўтқир касалликнинг оғирлигидан қатъий назар ўпка фибротик аномалиялари каби радиологик ҳолатлар аломатлар пайдо бўлгандан кейинги 3 ҳафтадаёқ, аниқланди (Wei J, Yang H, Lei P, Fan B). COVID-19 нинг ўлим ҳолатларида диффуз альвеоляр шикастланишнинг (ДАШ) ташкиллашуви турли даражадаги оғирликдаги ўпка фиброзининг аломати бўлиб ҳисобланади (Brower R.G., Matthay M.A).

Шуниси эътиборга лойиқки, COVID-19 га чалинган кўплаб беморларда ўРДС ривожланадига ўпканинг ривожланувчи фибрози ушбу беморлар бир қисмининг ўлимига олиб келиши мумкин (Schaller T, Hirschbühl K, Burkhardt K). Ретикуляция ортга қайтмас фиброзлигини аниқлаш учун узоқ муддатли кузатув керак (Schwensen HF, Borreschmidt LK). Ретикуляциянинг КТга миқёси ҳаёт сифати (ХС), ўпка функциясини тестдан ўтказишдаги (ЎФТЎ) рестриктив паттерн ва пасайган диффузион қобилият билан корреляцияланади. Бироқ, қолдиқ фибрознинг ҳатто кичик даражаси ҳам COVID-19 дан азият чекаётган, кўплари аллақачон ўпка касаллигини орттирган қари беморларда сезиларли касалланишга ва ўлимга олиб келиши мумкин (Spagnolo P, Balestro E, Aliberti S).

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ №2235-рақамли “COVID-19 ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш” (2020-2025 й.й) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси шароитида COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда ўпка интерстициал фибрози шаклланишининг предиктор омилларининг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш ва эрта аниқлаш алгоритмлари ҳамда профилактика усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ни бошидан кечирган Фарғона водийси аҳолиси - беморлар популяцияси ўртасида, инфекцион агентнинг элиминациясидан сўнг 2 ой давомида КТ динамикасини асослаш;

постковид ўпка интерстициал касаллиги шаклланишининг клиник-лаборатор предикторларини ажратиб олиш ва уларнинг прогностик аҳамиятини исботлаш;

Фарғона водийси моделида ўпка паренхимаси фибрози постковид шикастланишини ташхислаш ва прогнозлаш нуқтаи назаридан ультратовуш текширувининг диагностик аҳамияти аниқлаш;

Ўпканинг постковид шикастланиши ривожланиши хавфининг прогностик шкаласини ишлаб чиқиш;

COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда ўпка фибрози шаклланиши нуқтаи назаридан турли даволаш усулларининг қиёсий самарадорлигини исботлаш;

Фарғона водийси моделида ўтказилган қиёсий тадқиқот натижалари асосида COVID-19 ни бошидан ўтказган, ўпка паренхимасининг турғун фибрози ва ўпка интерстициал касаллиги шаклланишининг профилактикасига йўналтирилган беморларни олиб бориш алгоритмини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта, оғир ва ўта оғир даражадаги COVID-19 ни бошидан кечирган 319 нафар бемор бўлиб, тадқиқотга юқумли касалликлар шифохонасидан чиқарилгандан сўнг киритилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида терапевтик текширув натижалари, иммунологик ҳолатни баҳолаш учун периферик қон, инструментал (МСКТ ва ЎУТТ) тадқиқот натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал (компютер томография, ўпка ултратовушли текшируви), функционал, биохимик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси моделида ўпка паренхимасининг 50 % ва ундан ортиқ шикастланиши билан кечувчи COVID-19 ассоциацияланган пневмонияни бошидан кечирган беморларда постковид ўпка интерстициал касаллиги шаклланишининг хавфи аниқланган;

фибротик ўзгариш хавфини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган ва фиброз ўзгаришларни прогнозлаш нуқтаи назаридан ЎУТТ информатив эканлиги исботланган;

эрта постинфекцион даврда беморлардаги 60 кунлик ўлим ҳолатига таъсир этувчи МСКТ, СРО, периферик қондаги лейкоцитлар, популяциясида нейтрофиллар нисбий ҳиссасининг 78 % ва ундан ортиқ (ОР – 2,69) сақланиб қолиши предикторлари аниқланган;

тадқиқот давомида ишлаб чиқилган, ўпка паренхимасининг 50 % ва ундан ортиқ шикастланиши билан COVID-19 ассоциацияланган пневмонияни бошидан кечирган беморларни юритиш алгоритмини қўллаш ЎУТТ маълумотлари бўйича ўпка паренхимаси зичлашувининг камайишига, ўпка интерстициал касаллиги шаклланиши хавфининг 1,66 марта ($p < 0,001$) ва барча сабаблар билан 60 кунлик ўлим ҳолатининг камайтирган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида прогностик сезгирлиги 85 %, ўзига ҳослиги 80 % дан юқори бўлган постковид ўпка интерстициал касаллиги шаклланишининг хавфини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

ўпка паренхимаси шикастланишининг даражасини ЎУТТ маълумотлари бўйича баҳолаш имкониятининг анча катталиги ва усулнинг баҳоси паст бўлгани ҳолда, кўкрак қафаси МСКТдан қолишмаслиги аниқланган;

постковид ўпка интерстициал касаллиги ривожланишининг юқори хавфига эга беморларнинг реабилитация дастурига спиронолактонни узок муддат қабул қилишни киритиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларни қўллаб, COVID-19 касаллигини статистик таҳлил усуллари асосланган танлови билан тасдиқланганлиги, касалларда клиник параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан

таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 ассоциирлашган пневмония касаллигида яллиғланиш ўчоғининг клиник намоён бўлиши, беморлар ёши, касалхонага мурожаати ва касалликнинг давомийлиги, нейроиммунологик ўзгаришларга боғлиқ бўлган хусусиятлари ҳақида назарий билимлар амалий лабораториялар асосида чуқур ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган, ўпка фибрози шаклланишининг хавфини ҳисобга олган ҳолда COVID-19 ассоциацияланган пневмонияни бошидан кечирган беморларни юритиш алгоритмини қўллаш ўлим ҳолати хавфининг камайишига, беморлар функционал мақомининг яхшиланишига ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизликнинг пасайишига кўмаклашди. Таклиф этилаётган алгоритмни соғлиқни сақлашнинг кенг тармоғига жорий этиш беморларни даволаш самарадорлигининг ортишига ва COVID-19 молиявий ва ижтимоий юкламанинг камайишига кўмаклашади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июльдаги 8н-з/370-сонли хулосасига кўра(илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича) Соғлиқни сақлаш вазирлигига АДТИ ректори томонидан 2022 йил 13 июлдаги 06/1860 сонли хат юборилган.

1-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: Пандемия даражасида кенг тарқалган ўпка паренхимасининг 50 % ва ундан ортиқ шикастланиши билан кечувчи COVID-19 ассоциацияланган пневмонияни бошидан кечирган беморларда Фарғона водийси моделида постковид ўпка интерстициал касаллиги шаклланишининг хавфи ўрганилган

Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 ассоциацияланган пневмонияни бошидан кечирган беморларда ўпка паренхимаси интерстициал касаллиги ривожланиш хавфини аниқлаш ва бартараф этиш натижасида касалликдан кейинги даврда ногиронлик, меҳнатга лаёқатлиги ва ҳаёт сифатига ўз таъсирини ўтказди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўпка постковид интерстициал касаллиги эпидемиологияси, хавф омиллари, профилактикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш ,бўйича натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига (2023 йил 12 декабрдаги 423 сонли буйруғи билан), Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига 2023 йил 12 декабрдаги 421 сонли буйруғи билан) амалиётга тадбиқ этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: • COVID-19 ассоциирланган пневмонияни бошидан кечирган беморларда 50% ва ундан ортиқ зарарланишларда интерстициал тўқималар зарарланиши хавфини аниқлаш натижасида уни бартараф қилиш ва оқибатда сурункали нафас етишмовчилигини олдини олиш имконини яратади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

Даволашнинг янги усуллари жорий этишда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатлари қисқаришининг иқтисодий самараси ҳисоблаб кўрилганда олинган иқтисодий самара:

$$\text{Э вақ} = (90 - 30) \times (26923,1 + 13333,4) \times 40 - 0,15 \times 171938400 = 24178100$$

Хулоса: хавф омилларини аниқлаш натижасида даво муолажаларини тавсия қилиш ва амалиётга жорий қилиш орқали беморларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатлигини йўқотиш ҳолатини камайтириш оқибатида 24 178 100 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

2-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: Пандемия даврида COVID-19 билан касалланган беморларда постковид ўпка фибрози шаклланишига таъсир қилувчи предикторлари аниқланган ва уларнинг ўпка фиброз ўзгаришига таъсири баҳоланган. Фиброз ўзгаришларни баҳолашда ЎУТТ информатив эканлиги аниқланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Предикторлар асосида фиброз ўзгариш хавфини аниқлаш орқали касалликдан кейинги даврда ЎУТТ натижаларининг информативлиги МСКТ текшируви билан қиёслаб кўрилганда қониқарли эканлиги тасдиқланди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўпка постковид интерстициал касаллиги эпидемиологияси, хавф омиллари, профилактикаси ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига (2023 йил 12 декабрдаги 423 сонли буйруғи билан), Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига 2023 йил 12 декабрдаги 421 сонли буйруғи билан) амалиётга тадбиқ этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: фиброз ўзгариш предикторларини аниқлаш натижасида хавф аниқланади ва ЎУТТ ўтказилади, бу текширувнинг информативлиги қониқарли бўлганлиги сабабли ушбу беморларга МСКТ текшируви, радиацион зарарнинг олди олинади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: постковид даврда беморларга КТ текшируви ўрнига ЎУТТ ўтказилиши натижасида ҳар бир бемордан 215 000сўм, умумий ҳисобда 319 нафар бемор учун $(87725000 (275000 \times 319) - 19052275 (319 \times 60000) = 68585000)$ 68585000 сўм иқтисод қилинди.

Хулоса: беморларга ЎУТТ тавсия қилиниши ва ўтказилиши бюджетдан ташқари маблағларни жорий қилиниши бир нафар бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 685850 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

3-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: эрта постковид даврда беморлардаги биринчи 60 кунлик ўлим ҳолатига таъсир этувчи ўпка паренхимасининг 50% ва ундан ортиқ зарарланиши ва иситма давомийлиги каби предикторлар аниқланган ва баҳоланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Ўпка паренхимасининг 50% ва ундан ортиқ зарарланиши натижасида постинфекцион даврда ўлим ҳолати сезиларли даражада юқори бўлиши ва тана ҳароратининг 21 кундан ортиқ давомийликда кўтарилган ҳолда туриши биринчи 60 кунлик ўлим кўрсаткичлари предиктори сифатида баҳоланди. Шу сабабли бу предикторлари мавжуд бўлган беморларда даво муолажаси клиник белгиларга қараб олиб борилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўпка постковид интерстициал касаллиги эпидемиологияси, хавф омиллари, профилактикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш ,бўйича натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига (2023 йил 12 декабрдаги 423 сонли буйруғи билан), Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига 2023 йил 12 декабрдаги 421 сонли буйруғи билан) амалиётга тадбиқ этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: • предикторлар аниқланиши натижасида 60 кунлик ўлим кўрсаткичларининг пасайишига эришилади; • предикторлар намоён бўлишига қараб даво муолажаларини ўтказиш беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатлиги даврини қисқартириш имконининг беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: постковид даврда беморлар ўпкасида фиброз ўзгаришларни олдини олиш натижасида қайта госпитализация қилиш кўрсаткичларини кескин камайтириш орқали ҳар бир беморга кутилаётган сарф-харажатлар ўртача 146 000 сўмни ташкил қилади (1 кун учун), яъни харажатларни 4 мартага камайтириш имконини беради.

Хулоса: предикторларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 145 315 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

4-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID-19 ассоцирланган пневмонияга утказган беморларда ўпка интерстициал касаллиги ривожланиш хавфини камайтиришда медикаментоз профилактика қилиш самарадорлиги ўрганилган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: инфекция пневмония сабабли юзага келиши мумкин бўлган ўпка интерстициал касаллигини олдини олиш натижасида беморларда кейинчалик ривожланувчи сурункали нафас етишмовчилигини олдини олиш орқали ногиронлик ва меҳнатга лаёқалик кўрсаткичларини ижобий томонга ўзгартириш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўпка постковид интерстициал касаллиги эпидемиологияси, хавф омиллари, профилактикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш ,бўйича натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига (2023 йил 12 декабрдаги 423 сонли буйруғи билан), Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига 2023 йил 12 декабрдаги 421 сонли буйруғи билан) амалиётга тадбиқ этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат: • ташхислаш ва даволашга нисбатан янги алгоритмини қўллаш орқали касалликнинг асоратларини олишни таъминлайди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:

Даволаш алгоритми ишлаб чиқиш орқали даволашдан кейинги узок муддатларда касалликнинг қайталаниш даражасини 6 тадан 1 тагача камайтиришга эришилган. Таклиф қилинаётган алгоритмнинг татбиқ қилиниши натижасидаги иқтисодий самарадорлик беморларнинг касаллик туфайли ногиронлик даражасини камайтириши билан изоҳланади, яъни ногиронлик туфайли жисмоний лаёқатсиз беморлар сони мазкур татқиқот доирасида 5 тага, яъни 3,5 мартагача камайган.

Хулоса: 1 нафар ногиронга тўланадиган нафақа миқдори 648 000 сўм («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Қонуни, 7.10.2022 й.) эканлигидан келиб чиқилса, татбиқ доирасида 1 бемор хисобидан йиллик умумий 8 376 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида маъруза матни кўринишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг томонидан нашрга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи» номли **биринчи боби** постковид ўпка интерстициал касаллигининг патогенези, тахминий хавф омиллари, инфекция даврдаги профилактика усуллари ва терапия вариантлари ҳақидаги замонавий тасаввурларни акс эттиради.

«Тадқиқотнинг материал ва усуллари» номли **иккинчи бобида** тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқот дизайни

услубияти баён этилади. Ушбу тадқиқот Фарғона водийси моделида ўтказилди. Тадқиқотга ўрта, оғир ва ўта оғир даражадаги COVID-19 ни бошидан кечирган 319 нафар бемор киритилди. Беморлар тадқиқотга юқумли касалликлар шифохонасидан чиқарилгандан сўнг киритилдилар.

Тадқиқот 2 босқичдан иборат бўлди: биринчи босқичда юқумли касалликлар шифохонасидан рухсат берилган 102 нафар бемор 2 ой давомида нафас олиш гимнастикаси ва доимий динамик жисмоний юкламаларни, шунингдек, суткасига 2-6 соат давомида, тинч ҳолатда сатурация 90 % дан кам бўлгандаги кислород терапиясини қўшган ҳолда индивидуал танланган даволовчи жисмоний тарбия дастурини ўз ичига олувчи реабилитация курсидан ўтишди. Кузатув даврининг охирида, ўпка паренхимаси радиологик ўзгаришларининг динамикасини аниқлаш мақсадида барча беморларга назорат МСКТ ўтказилди, унинг натижаси юқумли касалликлар шифохонасида ўтказилган МСКТ билан қиёсланди (серияли МСКТ-суратлари мавжудлигида охиргиси ҳисобга олинди). Ўпка SARS-CoV2-индукцияланган шикастланишининг аломатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: паренхиманинг «хира ойна», «тошқўприк» кўринишидаги зичлашуви, нерегуляр паттернли интерстициал тўсиқларнинг зичлашуви, фиброзли юклар (кўпинча икки томонлама, асосан қуйи бўлақлардаги), «ҳаво бронхограммаларининг» мавжудлиги «асалари уяси» тўрли расми ва плеврал назла. Серияли МСКТларни қиёслаш давомида ўпка фибрози шаклланишига бўлган тенденция аниқланди. Фибрознинг аломатлари деб қуйидагилар ҳисобланди: 1) патологик ўчоқлар зичлиги ва майдонининг катталашуви, фиброз юклари ва ретикуляр формациялар ўлчамларининг катталашуви; 2) бронхоэктазлар ва ателектатик участкаларнинг юзага келиши; 3) периферик қондаги кислород сатурациясининг прогрессив камайиши.

Тадқиқотнинг ушбу тармоғи давомида ўпка фибрози ривожланган беморлар ажратиб олинди. Қиёсий тадқиқотда уларнинг клиник ва лаборатор-инструментал маълумотларидан келиб чиқиб фиброз ривожланишининг предикторлари аниқланди. COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда постинфекцион даврдаги ўпка паренхимаси фибрози ривожланиши хавфининг шкаласи ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг иккинчи тармоғи ўпка паренхимаси фибрози ривожланишининг таклиф этилаётган шкалага мувофиқ юқори хавфига эга бўлган 217 нафар беморларни ўз ичига олди. Бу беморлар тасодифий равишда гуруҳларга бўлинди: С гуруҳида барча беморларга (74 нафар бемор) Спиринолактон суткасига 50 мг дозада, бир маҳал, эрталаб; К гуруҳидаги беморларга (73 нафар бемор) Колхицин 1 мг дан суткасига икки маҳал; В гуруҳидаги беморларга (70 нафар бемор) Вобэнзим полифермент препарати суткасига 9 таблеткадан тайинланди. Ўпка фибрози ривожланишини баҳолаш учун кузатув 2-ойининг сўнггида барча беморларга кўкрак қафасининг такрорий МСКТ ўтказилди. Статистик ишлов бериш давомида беморлар гуруҳларидаги ўпка интерстициал касаллиги ривожланишининг частотаси қиёсланди. Ушбу тадқиқот давомида ўпка интерстициал шикастланиши

динамикасининг назоратида ультратовуш ташхислашнинг ўрни ўрганилди. Бу позиция SARS-CoV2 инфекциясининг кенг (пандемик) тарқалганлиги ва объектив ташхислашнинг қулай усулига бўлган тегишли талаб ва МСКТнинг техник ва молиявий мураккаблиги билан асосланган.

COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда постинфекцион даврда ўпка интерстициал касаллиги ривожланишининг предикторлари сифатида, ушбу ишда инфекциянинг клиник ва радиологик тавсифлари (касалликнинг оғирлиги, ўпка шикастланишининг ҳажми, периферик қон сатурацияси, касалхонада ётиш давомийлиги) тадқиқ этилди. Шунингдек, инфекция даврдаги яллиғланишга қарши маркерлар концентрацияси (ферритин, СРО), фибриноген деградациясининг маҳсулотлари (Д димер) ва гематологик тавсиф (ОАК) ўрганилди (1-жадвал).

Реабилитация дастурларини қиёслаш мақсадида нафақат гуруҳлардаги ўпка фибрози ривожланишининг частотаси, балки яллиғланишга қарши маркерлар, Д димер ва гематологик параметрлар концентрациясининг динамикаси ҳам ўрганилди.

1- Жадвал.

Тадқиқот дизайни

Босқичлар	Беморлар сони	Тадқиқот усуллари	Гуруҳларни шакллантириш	Тадқиқот мақсадлари
1	102 нафар, COVID-19 нинг ўрта, оғир ва ўта оғир кечиши (юкумли касалликлар шифохонаси дан рухсат берилгандан сўнг)	Инфекцион даврда: кўкрак қафаси МСКТ, ЎУТТ, Сатурация (минимал) СРО, ферритин, д димер, УҚТ 2-ойдан: кўкрак қафаси МСКТ, ЎУТТ, сатурация, КЖ, СРО, ферритин, д димер, УҚТ	Ретроспектив: ўпка интерстициал касаллиги билан шакллантирилган гуруҳ (n=61) ва ўпка интерстициал касаллиги билан шакллантирилмаган гуруҳ (n=41) Иккинчи босқич гуруҳлари билан қиёслаш учун – ўпка фибрози ривожланишининг юқори хавфига эга беморлар гуруҳи (n=56)	ўпка интерстициал касаллиги ривожланишининг прогностик маркерларини аниқлаш ва хавф шкаласини ишлаб чиқиш
2	217 нафар, ўпка интерстициал касаллиги ривожланишининг юқори хавфига эга беморлар (тадқиқот биринчи босқичининг маълумотла	Инфекцион даврда: кўкрак қафаси МСКТ, ЎУТТ, Сатурация (минимал) СРО, ферритин, д димер, ОАК 2ойдан: кўкрак қафаси МСКТ, ЎУТТ, сатурация, КЖ, СРО, ферритин, д димер, УҚТ ўпка фибрози	Тадқиқотга тасодифан қўшиш: С (74 нафар бемор), К (73 нафар бемор), В (70 нафар бемор)	Терапия турли вариантларининг самарадорлигини баҳолаш ва COVID-19 ни бошидан кечирган, постинфекцион даврда юқори хавфга эга бўлган

	ри бўйича)	ривожланиши частотаси, ўлим ҳолати		беморларни юретиш тактикасини ишлаб чиқиш
--	------------	--	--	--

Тадқиқотга ўпка паренхимасининг камида 50% шикастланиши билан COVID-19 ассоциацияланган пневмонияни бошидан кечирган 319 нафар бемор ва 20 нафар соғлом кўнгиллилар киритилди. Тадқиқотга киритиш мезони бўлиб қуйидагилар хизмат қилди: РНК SARS-CoV2 ни аниқлаш учун назорат ПЦР салбий натижасининг мавжудлиги, клиник ҳолатнинг барқарорлашуви (интенсив терапия ва доимий оксигенотерапияга эҳтиёжнинг йўқлиги). Фонли хавфли янги ҳосилалари мавжуд беморлар, аввалги 2 ой давомида ўткир кардиоваскуляр ҳолатни (ўткир миокард инфаркти, мия қон айланишининг ўткир бузилишини) бошидан кечирган беморлар, оғир жароҳатни ёки катта жарроҳлик аралашувини (қўллар, бош ва бўйиннинг бўшлиқлари ёки проксимал бўлимлари), бошидан кечирган беморлар, базавий яллиғланишга қарши терапияни доимий талаб қиладиган аутоиммункасалликлари бор беморлар, анамнезда ўпка артерияси тромбоземболияси бор беморлар, ўпканинг сурункали интерстициал касаллиги бор ва терминал даврда сурункали органик етишмовчилиги бор беморлар тадқиқотга киритилмади.

Кардиоваскуляр касалликлар – гипертония касаллиги ва юрак ишемик касаллиги, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, сийдик чиқариш йўллариининг сурункали инфекцияси, гастродуоденал ва панкреатодуоденал зонанинг патологияси умумий популяциядаги каби, энг кўп фонли патологиялардан бўлди (2-жадвал).

2-жадвал.

Тадқиқотга киритилган беморлардаги фонли патология.

Патология	Беморлар сони (%)
Гипертоник касаллик	225 (71%)
Юрак ишемик касаллиги	97 (30%)
Сурункали юрак етишмовчилиги	83 (26%)
Сурункали ўпка обструктив касаллиги	220 (69%)
2 турдаги қандли диабет	56 (18%)
Гипотиреоз	63 (20%)
Бод	18 (6%)
Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги	109 (34%)
Панкреат-дуоденалзона патологияси	112 (35%)
Сийдик чиқариш йўллариининг сурункали инфекцияси	176 (55%)

Ўпка паренхимаси шикастланишининг ҳажми бўйича шикастланиши 70-75% ли беморлар энг кўп учради.

Инфекцион даврда 82 нафар беморда (26 %) шикастланиш коагулопатиясининг белгилари бўлган «цитокинли шторм», 117 нафар беморда (37 %) – тромботик асоратлар кузатилди.

Шифохонага ётқизиш даврида барча беморлар SARS-CoV2 инфекциянинг стандарт терапиясини, шу жумладан, кортикостероид гормонлар, антиагрегантлар ва антикоагулянтларни қабул қилишди. 152 нафар бемор (48 %) вирусга қарши терапия, 119 нафар бемор (37 %) – иммуномодуловчи препаратлар, шу жумладан, 46 нафар бемор (14 %)– толицизумабни қабул қилишди. Тадқиқотга киритиш вақтида барча беморлар инфекция даврда бошланган терапияни давом эттиришди.

Кўкрак қафасининг мультислайсли компьютер томографияси (МСКТ) Siemens томографида олиб борилди. Сканерлаш стандарт дастур бўйича қўлларни бошнинг орқасига қўйганча чалқанча ҳолатда, сокин, нафас олиш баландлигида олиб борилди. Ўпкадаги инфилтратив ўзгаришлар баёнэтилди: «хира ойна», консолидация: «тошкўприк», акс гало, ҳаво бронхографияси, фиброзли ўзгаришлар: фиброзли юклар. Барча патологик топилмалар жойлашуви ва шикастланишнинг ҳажми кўрсатилган ҳолда баён этилди. Серияли тадқиқотларда ҳажми ва зичлиги бўйича катталашиб бораётган фиброзли юклар, ретикулярформациялар ва бронхоэктазаларнинг юзага келиши шаклланаётган ўпка интерстициал касаллигининг аломатлари бўлиб ҳисобланди.

Ўпканинг ультратовушли тадқиқоти (ЎУТТ) Mindray DC 40 ультратовуш аппаратида олиб борилди. 3,5 мГц частотали конвексли датчикдан фойдаланилди. Сканерлаш 12 та сегмент бўйича олиб борилди: олдинги юқори ўнг, ўрта юқори ўнг, орқа юқори ўнг, олдинги пастки ўнг, ўрта пастки ўнг, орқа пастки ўнг, олдинги юқори чап, ўрта юқори чап, орқа юқори чап, олдинги пастки чап, ўрта пастки чап, орқа пастки чап. Ҳар бир сегмент бўйича сканерлаш битта коворғалараро ораликдан олиб борилди. Ўпка паренхимаси зичлашувининг намоёнлиги шкалада 0 дан (меъёрдаги эхокартина) 3 баллгача (консолидация), В-паттерннинг намоёнлигидан келиб чиқиб баҳоланди. Барча тадқиқ этилаётган сегментлар бўйича баллар келгусида жамланди.

Периферик қондаги **кислороднинг сатурацияси (SpO₂)** бармоқли пульсоксиметр CRETIVE=60 билан ўлчанди. Тадқиқотда 5 дақиқа давомидаги ҳар дақиқалик серияли ўлчашдаги минимал қийматдан фойдаланилди.

С-реактив оксилнинг (СРО) концентрацияси чалқанча ётган ҳолда кубитал венадан олинган веноз қонда ўлчанди. Қон олиш эрталабки соатларда, оч қоринга амалга оширилди, ихтисослаштирилган вакутайнердан фойдаланилди. Олингандан сўнг қон плазмани ажратиш учун центрифугаланди. Ўлчаш Mindray ВА-88 А автоматик анализаторда олиб борилди. Иммунотурбидисметрик усулдан фойдаланилди.

Периферик қондаги ферритин концентрацияси иммунотурбидисметрик усул билан автоматик Mindray MR-96 анализаторда аниқланди. Эрталабки соатларда, оч қоринга, кубитал венадан, ётган ҳолатда, 10 минутлик ҳордиқдан сўнг, ихтисослаштирилган вакутайнердан фойдаланган ҳолда олинган қондан фойдаланилди. Олингандан сўнг, плазмани ажратиш учун қон центрифугаланди.

Периферик қондаги **Д димер концентрацияси** иммунотурбидисметрик усул билан автоматик Mindray MR- 96A анализаторда аниқланди. Қон олиш эрталабки соатларда, оч қоринга, кубитал венадан, ётган ҳолатда, 10 минутлик ҳордиқдан сўнг, ихтисослаштирилган вакутайнерлар қўлланилган ҳолда бажарилди. Хужайра фракциясини ажратиб олиш учун қон центрифугаланди.

Гематологик тадқиқот Mindray BS-20S автоматик гематологик анализаторида олиб борилди. Қон олиш кубитал венадан олинган антикоагулянтга эга ихтисослаштирилган вакутайнер билан чалқанча ётган ҳолатда, оч қоринга, 10 минутлик ҳордиқдан сўнг амалга оширилди. Тадқиқот давомида қуйидаги параметрлар ҳисобга олинди:

- гемоглобин концентрацияси;
- 1 л қондаги лейкоцитлар миқдори;
- 1 л қондаги тромбоцитлар миқдори;
- нейтрофиллар ва лимфоцитларнинг лейкоцитар пул таркибидаги нисбий ҳиссаси.

Ҳаёт сифати PCFS (Post-Covid-19 Functional Status) сўровномасидан фойдаланган ҳолда баҳоланди. Сўровнома бевосита беморлар ёки шифокор томонидан тўлдирилиши мумкин (бунинг учун у <https://osf.io/ggpdv/> сайтида, алоҳида шаклларда, русча талқинда берилган). Шкала 5 балли ва нафас қисиши, оғриқ, заифлик, чарчаш, хотира бузилиши, тушкунлик ва хавотир каби аломатларнинг мавжудлигини ҳисобга олади.

Тадқиқот давомида олинган барча маълумотлар Microsoft Office Excel 2013 жамланма жадвалларига киритилди. Тадқиқ этилаётган барча параметрлар учун тақсимлаш тури белгиланди. Нормал тақсимот ҳолатида ўртача арифметик қиймат ва унинг стандарт хатоси ҳисоб-китоб қилинди. Гуруҳлараро қиёслов учун Стьюдент мезонидан фойдаланилди. Кўп сонли қиёсловларда Стьюдент мезони кўп сонли қиёсловлар учун Бонферрони тузатишидан фойдаланган ҳолда коррекция қилинди. Нопараметрик мезонлар учун “хи квадрат” жадвал мезони ва унинг номограммалар бўйича ишончилигини эркинлик даражаларининг сонини ҳисобга олганча баҳолаган ҳолда частотали қиёсловдан фойдаланилди. Корреляцион таҳлил Пирсон мезонидан фойдаланган ҳолда ва унинг ишончилигини қиёсланаётган жуфтликлар сонига боғлиқ равишда ишончилик жадваллари бўйича баҳолаган ҳолда олиб борилди. Нисбий хавф (НХ) белги-предиктор мавжуд бўлган беморлардаги кўнгилсиз ҳодиса нисбий частотасининг белги-предиктор бўлмаган беморлардаги кўнгилсиз ҳодиса нисбий частотасига нисбати сифатида аниқланди. Прогностик белгилар самарадорлигини баҳолаш учун уларнинг сезгирлиги (чин ижобий натижалар сонининг барча

ижобий натижаларга нисбати), ўзига хослиги (чин салбий натижалар сонининг барча салбий натижаларга нисбати) ва ташхисий самарадорлиги (тўғри жавобларнинг барча синамаларга нисбати) аниқланди. Иккита прогностик шкалаларни қиёслаш ROC-эги чизиғи остидаги майдоннинг ҳисоби билан олиб борилди: каттароқ майдонли шкала ишончлироқ деб топилди.

Диссертациянинг учинчи бобида поствирусли ўпка фибрози билан ассоциацияланган беморларнинг клиник хусусиятлари, прогностик маркерлар ва хавфни баҳолаш шкаласи баён этилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичи давомида ўпка тўқимасининг 50 % ва ундан ортиқ шикастланиши билан COVID-19 ассоциацияланган интерстициал пневмонияга чалинган, касаллик оғир ва ўта оғир кечган 102 нафар бемор юқумли касалликлар шифохонасидан бевосита рухсат берилгандан сўнг текширилди. Тадқиқотга киритиш вақтида барча беморларнинг РНК SARS-CoV-2 ни аниқловчи ПЦР тести салбий эди. Беморларнинг ўртача ёши $49,60 \pm 1,15$ ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳи сифатида (НГ) 20 нафар соғлом, нафас олиш ва юрак қон-томир тизими патологиясининг аломатларисиз, шу жумладан невроген характердаги аломатларисиз бўлган кўнгиллилар текширилди (ўртача ёши $51,90 \pm 2,53$ ёш).

Иситма даврининг давомийлиги гуруҳ бўйича ўртача $19,93 \pm 0,58$ кунни ташкил этди, юқумли касалликлар шифохонасида ётишнинг ўртача давомийлиги $19,78 \pm 0,45$ кун. Юқумли касалликлар шифохонасига ётқизишда ўпка паренхимаси шикастланишининг ўртача ҳажми тадқиқотга киритиш пайтида $67,57 \pm 1,15$ % ни ташкил этди. МСКТ ўпка шикастланиши ҳажмининг ишонарли тарзда $65,35 \pm 2,25$ % га камайганини кўрсатди ($23,29 \pm 1,47$ % гача, $p < 0,001$ фарқнинг бошланғич маълумотлар билан ишончилиги). Бирок, соғайиб кетишларига қарамай, беморлар ўзларининг функционал мақомини PCFS шкаласи бўйича ўртача $2,66 \pm 0,09$ баллга баҳолашди. Барча беморларга даволовчи жисмоний тарбия, антиагрегант терапияни ўз ичига олувчи реабилитацион чора-тадбирлар, кўрсатмалар бўйича (қондаги Д димер концентрацияси 1нг/лдан юқори бўлганда) – антикоагулянт терапия ва (СРО концентрациясининг тўрт меъёрдан ортиқ бўлганда) яллиғланишга қарши терапия ўтказилди. Кузатув 2-ойининг охирига келиб шикастланган ўпка паренхимаси ҳажмининг ($18,38 \pm 1,22$ % гача, $p < 0,01$ тадқиқотга киритиш вақтидаги маълумотлар билан фарқнинг ишончилиги) келгусидаги камайиши кузатилди.

Тадқиқотга киритилган беморлардаги сатурация ҳам шартли меъёрга нисбатан (93 %), ҳам КГга нисбатан ($84,90 \pm 0,80$ % $97,20 \pm 0,21$ % га қарши, $p < 0,001$) сезиларли камайди.

Ўпка паренхимасининг 50 % ва ундан ортиқ шикастланиши билан COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда хатто шифохонадан рухсат берилгандан кейин ҳам КГга нисбатан прояллиғловчи маркерларнинг юқори концентрацияси кузатилди. СРОнинг концентрацияси КГда $2,80 \pm 0,35$ мг/лга қарши $36,75 \pm 2,06$ мг/лни ташкил этди ($p < 0,001$), ферритин - $100,00 \pm 0,44$ нг/млга қарши $206,99 \pm 3,34$ нг/мл ($p < 0,001$).

Гематологик текширув COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда гемоглобиннинг периферик қондаги концентрациясининг ишонарли тарзда камайишини аниқлади: $132,40 \pm 3,47$ г/лга қарши $112,80 \pm 1,38$ г/л ($p < 0,001$), бу темир танқислиги анемиясининг қайта тақсимлаш механизми билан изоҳланиши мумкин, зеро темир хужайралар-яллиғланиш эффекторлари лизосомал ферментларнинг молекулаларида фойдаланилади. COVID-19 ни бошидан кечирган беморларда тромбоцитлар миқдори ҳам камайган бўлди: КГда $264,90 \pm 11,54 * 10^9$ /лга қарши $214,18 \pm 7,26 * 10^9$ /л, ($p < 0,001$), эҳтимолки ушбу патологияга хос томир ички тромб ҳосил бўлиши жараёнидаги тромбоцитларнинг ҳаддан кўп истеъмоли муносабати биландир. Тромб ҳосил бўлишининг фаоллашуви ўтказилаётган антикоагулянт терапияга қарамасдан сақланиб турган Д димернинг юқори концентрацияси билан ҳам тасдиқланади: $0,42 \pm 0,05$ мг/лга қарши $0,92 \pm 0,05$ мг/л ($p < 0,001$). Лейкоцитларнинг умумий миқдори тажриба гуруҳида ва соғлом шахсларда ҳам таққосласа бўладиган бўлди (мос равишда $4,69 \pm 0,09 * 10^9$ /л ва $4,91 \pm 0,09 * 10^9$ /л, гуруҳлараро фарқ – иэ), бироқ, COVID-19 ни бошидан кечирган беморлар лейкоцитар пулининг ичида нейтрофилларнинг нисбий миқдори лимфоцитлар нисбий ҳиссасининг камайиши ҳисобига ортган бўлди: нейтрофиллар $74,92 \pm 0,63$ % га, $66,85 \pm 1,55$ % га қарши КГда ($p < 0,001$) ва лимфоцитлар $22,51 \pm 0,57$ % га, $29,30 \pm 1,15$ % га қарши ($p < 0,001$). Бу топилма шу билан изоҳланадики, SARS-CoV-2 инфекцияси оғир ва ўта оғир кечган беморларда ҳатто инфекцион агентни элиминация қилиш вақтига келиб ҳам ушбу инфекцион жараён учун характерли бўлган, специфик иммунитетнинг носпецифик иммунитетнинг бир вақтнинг ўзида гиперфаоллашуви билан ингибирланиши сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот давомида COVID-19 ассоциацияланган интерстициал пневмония билан оғриган беморларда ўпка паренхимаси шикастланишининг эволюциясини ташхислаш ва динамик кузатиш нуқтаи назаридан ЎУТТнинг ташхисий қиммати ҳақидаги тахмин шакллантирилди. Тадқиқотга киритилган барча беморларга юқумли касалликлар шифохонасидан рухсат берилгандан ва икки ой реабилитациядан сўнг ЎУТТ ўтказилди. ЎУТТ натижаларига бўйича ўпка паренхимаси зичлашувининг бошланғич балли баҳоси $14,57 \pm 0,57$ баллни ташкил этди, икки ой реабилитациядан сўнг балл $48,75 \pm 3,14$ % га камайди ва $6,88 \pm 0,39$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$ бошланғич маълумотлар билан фарқнинг ишончилиги).

Тадқиқот давомида ўрганилаётган параметрларнинг КТ ва ЎУТТ натижалари бўйича тадқиқотга киритиш пайтидаги шикастланган ўпка паренхимаси ҳажми билан, шунингдек, СРОнинг периферик қондаги концентрацияси билан корреляцияси ўрганилди (3.1 жадвал). Периферик қондаги СРО ва ферритиннинг концентрацияси ўртасидаги ишончли, ижобий, кучли боғлиқлик аниқланди ($r = 0,85$, $p < 0,01$), бу нарса шу билан изоҳланадики, ушбу икки параметр прояллиғловчи маркерлар ҳисобланади ва прояллиғловчи цитокинлар концентрациясининг ортишига жавобан гепатоцитлар томонидан экспрессияланади. Шунингдек, КТ ва ЎУТТ натижалари бўйича ўпка шикастланиши ҳажми ўртасида ижобий ўртача

боғлиқлик аниқланди ($r=0,62$, $p<0,01$). Ферритин концентрацияси КТ натижалари бўйича ўпка шикастланишининг ҳажми билан ишонарли тўғридан-тўғри, ўрта даражада ($r=0,62$, $p<0,01$) ва ЎУТТ маълумотлари бўйича ($r=0,29$, $p<0,01$) ўпка шикастланишининг ҳажми билан кучсиз даражада корреляцияланди. СРО концентрацияси КТ маълумотлари бўйича ($r=0,40$, $p<0,01$) ўпка шикастланишининг ҳажми билан ишонарли тўғридан-тўғри, кучсиз даражада ва ЎУТТ маълумотлари бўйича ($r=0,21$, $p<0,05$) ўпка шикастланишининг ҳажми билан жуда кучсиз даражада корреляцияланди. Сатурация қиймати ўпка шикастланишининг ҳажми билан ишонарли салбий (КТ маълумотлари бўйича $r=-0,34$, $p<0,01$ ва жуда кучсиз – ЎУТТ маълумотлари бўйича, $r=-0,29$, $p<0,01$) корреляцияланди, бу нарсани ўпка паренхимасининг асосий функционал роли - қонни кислород билан тўйинтириш билан мантиқий изоҳлаш мумкин. Бироқ, СРО концентрациясининг сатурация кўрсаткичи ($r=-0,22$, $p<0,05$) билан аниқланган салбий, жуда кучсиз корреляцияси ҳам патогенетик жиҳатдан муҳим ҳисобланадики, бу ўпка тўқимаси функционал қобилятининг пасайишидаги яллиғланишнинг ролини тасдиқлайди.

ЎУТТ маълумотлари бўйича томир ички тромб ҳосил бўлиши маркери концентрациясининг ўпка шикастланишининг ҳажми билан ишонарли боғлиқлиги ($r=0,27$, $p<0,01$), лекин КТ ва СРОнинг концентрацияси билан эмас.

КТ маълумотлари бўйича иситма даврининг давомийлиги ўпка шикастланишининг ҳажми ($r=0,42$, $p<0,01$) ва СРО концентрацияси ($r=0,32$, $p<0,01$) билан ишонарли ижобий кучсиз даражада корреляцияланди, шу билан бир пайтда эса касалхонада ётишнинг давомийлиги ва ўрганилаётган параметрлар билан корреляцияси аниқланмади. Лимфоцитларнинг нисбий ҳиссаси СРОнинг концентрацияси ($r=-0,42$, $p<0,05$) билан ишонарли тарзда салбий ва жуда кучсиз даражада корреляцияландики, бу тизимли яллиғланишнинг намоён фаоллиги бўлган беморлардаги специфик иммунитетнинг давом этаётган ингибициясини тасдиқлайди. Демакки, лейкоцитларнинг умумий миқдори ҳам КТ маълумотлари бўйича, шунингдек, ўпка шикастланишининг ҳажми (жуда кучсиз, $r=-0,26$, $p<0,01$) ва СРО концентрацияси билан салбий корреляцияланди (кучсиз, $r=-0,33$, $p<0,01$). Нейтрофилларнинг нисбий ҳиссаси КТ маълумотлари бўйича ўпка шикастланишининг ҳажми билан ишонарли ижобий (жуда кучсиз $r=0,21$, $p<0,05$), ЎУТТ маълумотлари бўйича (кучсиз, $r=0,35$, $p<0,01$) ва СРО концентрацияси ($r=0,38$, $p<0,01$) билан корреляцияланди.

